Асосий вазифамиз маҳаллийлаштириш кўрсаткичларини ошириб боришга қаратилган. Маҳаллий саноат корхоналари ҳисобига бунга эришиляётгани қувонарли. Биргина корхонамиз мисолида олсақ, бугунги кунда маҳсулотларимиз импорт ўрнини тўлиқ босади. Масалан, юртимизга ўтган йили 15 миллион долларлик мис қувурлар ва фитинглар импорт қилинган. Дастлабки босқичдаёқ 350 миллион долларлик экспорт қилиш режалаштирилган. Маҳсулотлар Бирлашган Араб Амирликлари, АҚШ, Африка қитъаси ҳамда Европа давлатларига етказиб берилди.

Ҳозир ҳам асосий харидорларимиз Европа ва МДХ давлатлари бўлиб, маҳсулотларнинг 90 фоизи экспорт қилиняпти. Илгари мис қувурлар ва фитинглар юртимизга асосан Европа ва Хитойдан импорт қилинган бўлиб, ҳозир ички бозорни тўлиқ ўзимиз таъминлаш қувватига эгамиз.

Икки йилдан кейин лойиҳанинг учинчи босқичини ҳам якунлаймиз ва ишлаб чиқариш қуввати 70 минг тоннага етказилади. Янги заводимиз тўлиқ ишга тушгач, йилга 10 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ички бозордаги таннархни 5 фоиз тушириш кутиляпти.

Ҳамёнбоп нарх, юқори сифат

Кейинги йилларда Ўзбекистон электротехника саноати сезиларли даражада ривожланди. Гап фақат сонда эмас, сифат жиҳатидан ҳам ички ва ташқи бозорда харидорлар ишончини қозонмоқда. Ҳар кун дуч келадиганимиз электрон ускуналарнинг аксари бугун миллий брендларимиз остида ишлаб чиқариляётгани оданимиз қувонтиради. Айниқса, маиший техника бозорига ҳозир миллий маҳсулотларимиз харидорларни жиҳатидан улчма-улчма хориж брендликларидан устунлик қилмоқда. Чет мамлакатлар бозорига ҳам талабгирлиги юқори эканига ғувоҳ бўляямиз.

Бу маъруза саноат тармоғи ривож учун кенг йўл очилди, барча имкониятлар яратиб берилган, маҳаллий тадбиркорларимиз эса катта бозор ҳамда рақобатда ўзини эгаллаш учун тинимсиз ҳаракат қилаётганининг маҳсули. Бундан



ўн йиллар олдин ички бозорда маиший техника ишлаб чиқаришдан битта маҳаллий бренд номини билардик. Унга ҳам ишончимиз йўқ, сифати борасида анча паст баҳо берганимиз ҳозиргача ёдимда. Бугун эса ўнлаб маҳаллий брендлар мавжуд ва аксари нарх ҳамда сифат борасида хорижийдан қолишмаяпти. Кўпчилигимиз бозорда ўзимизнинг брендини таллаялик кириб бориб, экспорт кўрсаткичларини қаррасига ошириши мақсад қилганимиз. Давлатимиз раҳбари бу борада бир қанча кўрсатмалар берди. Уларни бажариш учун барча имкониятларимиз бор.

Қолаверса, маҳсулотлар тури, сифати ва нархи борасида доимий изланишдаги. Бонси, брендимиз премимум сифатдаги маҳсулотларни ҳамёнбоп нархларда етказиб бериши билан харидорлар ишончини қозониб келмоқда. Сифат ва замонавий дизайн уйғунлиги, ҳудудларда сервис хизматларини кўрсатиш узлуксизлиги таъминлангани учун брендимиз қисқа вақтда бозорда мустаҳкам ўрин эгаллашга эришди. Эндликда янада кўпроқ янги бозорларга кириб бориш орқали ишлаб чиқариш қувватларини ошириши мақсад қилганимиз.

Технопаркдаги лойиҳамиз бу жараёнда энг йириклардан бири бўлади. Чунки бу ерда имкониятлар кенглиги, инфратузилма узлуксизлиги, локация жиҳатидан барча вилоятларга қулай жойлашув ишимизни янада жадаллаштиради.



— Бу корхонамизнинг иккинчи йирик заводи ҳисобланади. 2023 йилнинг август ойида давлатимиз раҳбари совиткичлар ишлаб чиқариш заводимизга таширфлари чоғида янги лойиҳамиз учун ер майдони ажратилиш топширигини берган эди. Технопарк ҳудудидан

10 гектар ер ажратилганидан сўнг ўн ой ичида заводи қуриб битказиб, ишга туширдик. Айни вақтда 11,3 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилган.

Лойиҳа Бирлашган Араб Амирликларининг "Fajr Al Mustaqbal General Trading" корхонаси билан ҳамкорликда амалга ошириляпти, умумий қиймати 30 миллион долларни ташкил қилади. Жараёнда 250 та янги иш ўрни яратилиб, 4 миллион доллар экспорт қилиш кўзда тутилган. Маҳсулотлар асосан Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон, Россия, Қирғизистон, Афғонистон каби давлатларга экспорт қилинади.

Ҳозирги кунда корхонамиз ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Ўзбекистонда иккинчи ўринда туради. Марказий Осиё бўйича ҳам шундай йирик корхоналар орасида етакчилик қиллятимиз. Бу ишлаб чиқариш қувватларимиз шунга яраша экани, ички бозор талабларини қондириш имкониятимиз юқорилигини кўрсатади. Келгусида технопаркдаги мажмуа тўлиқ ишга тушиши ҳисобига 87 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиши кутиляпти.

2021 йилда ташкил этилган корхонамиз учун бу катта натижа. Аммо мақсадларимиз

Бугун дунёни электроника воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Қўлимиздаги мобил қурилмалардан тортиб, ҳар кун фойдаланганимиз компьютер технологиялари, автомобиль, маиший техника, электр энергияси ва алоқа тармоқлари симларининг бари электротехника саноати маҳсулотларидир. Ана энди ушбу тармоққа бўлган талабни тасаввур қилаверинг: Унинг ривожланиши эса бевосита мамлакат тараққиёти, иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари билан боғланганнинг бонси шунда.

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

"Остонадаги имкониятни олисдан қидириб юрган эканман"

Бу иш аслида унча қийин эмас. Лекин жуда осон ҳам деб бўлмайди. Боиси, бор имкониятдан вақтида фойдаланиш ҳаммининг ҳам хаёлига келмайди. Акмал ака ҳам ишсиз эди. Ойла қуриб, фарзандлари вояга ета бошлагач, ташвиши ҳам ортди. Рўзгорнинг ками битмас, доим бир чети кемтик бўлиб қоларди. Узича турли режалар тузди. Яқин атрофдаги танишлардан маслаҳат сўраб, иш қидирган бўлди. Лекин қишлоқ жойда тайинли юмуш топилмади.

Чорва билан шуғулланишга пул керак. Деҳқончилик қилиш учун ер зарур. Хуллас, ҳеч бирига шунчаки эришиб бўлмайди. Тенгқурларидан бири чет элга бориб ишлаш таклифини айтди. "У ерда қурилишда ишлаб, яхши ойлик олиш мумкин", деди ҳамқишлоғи. Акмал ака бир йилда яхшигина жамғарма билан қайтишини ўйлаб кетишга ҳам чоғланди. Лекин уйда ўтириб хаёл бошқа, амал бошқа эканини ўйлади. Совуқ ўлкада тиним билмай тер тўкмаса, бекорга чўнтак "семирмайди". Қолаверса, четга кетганларнинг ҳаммаси ҳам бойиб кетгани йўқ. Йиллаб йиққан бир шаддирок аравадан ортамаънавиян кўриб турибди. Хориж сафари ҳам бекор бўлди. Яхши-си қишлоқда бирор иш билан машғул бўлганим маъқул деган қарорга келди.



Эртаси кун оғиб келган гул уруғларини экинга қиришди. Суриштирса, ўзи яшаётган Касби тумани Денов маҳалласида бирор киши бу иш билан шуғулланмас экан. Акмал ака вақтини кетказмай шаҳарга бориб, турли ҳажмдаги гул тувакларини олиб келди. Меҳр қўйилган ишда унум бўлади. Тезда йигит бу борада тажриба орттирди. Қизқувчилар гул сўраб

келадиган бўлди. Аввалгига совуқ кунлари ниҳоллар айвонда сақланди. Вақт ўтгани сари жой торлик қилиб, иссиқхона қуриш эҳтиёжи туғилди. Аммо бунга маблағи етмасди. Акмал ака маҳаллага борди. Ҳоким ёрдамида ташаббус билан унга 15 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағга йигит ҳовлисидаги бир соти ерга иссиқхона қурди.

— Остонадаги имкониятни олисдан қидириб юрган эканман, — дейди Акмал Панжнев. — Илгари имкон топар, дея бежиз айтлмаган экан. Шу пайтгача томоқдан унумли фойдаланиш ҳақида бош қотириб ҳам кўрмагандим. Иссиқхона қурач, шароитимиз яхшиланди. Шу ернинг ўзида ниҳолларни кўпайтириши йўлга қўйди. Оилавий меҳнат қиллятимиз. Ҳозир 80 дан ортқ турдаги 2000 га яқин гул кўчатимиз бор. Бу — кам ҳаражат қилиб, кўп даромад топадиган иш. Мисол учун, иссиқхона табиий усудда иситилади. Гулларни ўзимиз уруғидан, қаламчасидан ўстираемиз. Қайси ҳудудда ноёб гул ҳақида эшитиб қолсам, албатта, олиб келишга ҳаракат қиламан. Бирор жойдан сотиб олмаيمиз. Шу ернинг ўзида кўпайтираемиз. Харидорлар ўзи олиб кетади. Ҳозир бир түпи

Ақбар РАҲМОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири



Илмий-тадқиқот муассасаларида

Жаҳон иқтисодий ва саноат жадал ривожланаётган бугунги шароитда янги авлод материаллар яратиш, уларнинг функционал хоссаларини яхшилаш ва экологик хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифалардан бирига айланди. Полимерлар ва улар асосида маҳсулотлар жаҳон иқтисодийнинг ажралмас ва муҳим қисмидир. Саноат ва халқ ҳўжалигининг деярли барча соҳасида полимер материаллар қўлланилмоқда. Улар юқори механик мустаҳкамлик, энгиллик, арзонлик, коррозияга чидамлик, турли муҳитларга мослашувчанлик каби афзалликлари билан ажралиб туради.

ПОЛИМЕР ФАНИ ВА САНОАТИ

Ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўлаган Мурожаатномасида ҳозирги глобал иқтисодий рақобатда чидамлик бўлиш учун малакали касб эгалари ва мутахассислар, замонавий технологиялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани айтилди. Юқори қўшилган қиймат яратадиган электроника ва электротехника, биокимё ва полимерлар, фармацевтика, машинасозлик каби соҳаларни ривожлантириш учун янги технологияларни олиб кириш, кадрларни илм-фан ва инновацияларга асосланган замонавий касбларга тайёрлаш каби масалаларга ургу берилди. Бу келгуси беш йилда иқтисодийимиз ҳажмини 240 миллиард доллардан ошириш мақсадини рўёбга чиқаришда қўл келади.



Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар қимёси ва физикаси институти директори Абдумуттоли Атахонов билан суҳбатимиз полимерлар дунёсининг бугунги манзаралари хусусида бўлди.

— Утган асрнинг 50-йилларига келиб, дунё миқёсида полимер фани ва полимер саноати ривожлана бошлади, — дейди А.Атахонов. — Республикада табиий полимерлар ва уларнинг ҳосилалари йўналишини ривожлантириш учун етарли ва барқарор хомашё захиралари мавжуд. Жумладан, пахтадан қайта ишлаш корхоналарида шаклландириладиган чикниди пахта линти ҳамда ипак саноати корхоналарида ҳосил бўладиган ипак курти гўмбаги ва турли толали чикнидилар табиий полимерлар ишлаб чиқариш учун муҳим манбадир. Булар юрти-мизда табиий полимерлар йўналишини комплекс ва узлуқсиз ривожлантириш имконини беради. Айниқса, пахтачилик соҳаси Ўзбекистон иқтисодийнинг стратегик тармоқларидан бири бўлиб, уни қайта ишлаш жараёнида катта миқдорда пахта мومиги шаклланади. Бу эса целлолоза олиш учун ноёб ва арзон хомашё манба ҳисобланади. Бугунги кунда республикада мавжуд пахта мومиги асосида қимёвий қайта ишлаш ва қозғ саноати учун целлолоза олиш усуллари ҳамда технологиялари муваффақиятли ўзлаштирилган. Ушбу технологиялар маҳаллий хомашёдан юқори сифатли маҳсулот олиш, импортга талабини камайтириш ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ипак саноатида шаклландириладиган ипак курти гўмбаги ва толали чикнидилар ҳам табиий полимерлар ишлаб чиқаришда катта аҳамиятга эга. Ушбу хомашё асосида хитин, хитозан, оксил ҳамда суюқ органик-минерал ўғитлар олиш ва қозғ саноати учун технологиялари яратилган. Хитин ва хитозан каби биополимерлар экологик хавфсизлиги, биологик мослиги ва юқори фаолиги билан ажралиб туриб, қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёт ва экология соҳаларида кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистонда синтетик полимерлар ишлаб чиқариш соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Полиэтилен, полипропилен ҳамда поливинилхлорид ишлаб чиқарувчи Шўртан газ-кимё комплекси, "Uz-Kor Gas Chemical", "Navoiyazot" каби қатор йирик корхоналар фаолият юритмоқда. Уларнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 100 минг тоннадан орткини ташкил этади.

Полимерлар қимёси ва физикаси институтида сўнгги йилларда қатор муҳим натижаларга эришилди. Фан соҳасида олиб борилаётган фундаментал тадқиқотлар таркиби — тузилми — хосса ўртасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлашга қаратилган. Бу йўналишда олиналган натижалар синтетик ва табиий полимерлар ҳамда уларнинг ҳосилалари асосида полимер материаллар шаклланишининг илмий ва амалий асосларини яратишга хизмат қилмоқда.



Нанотехнологиялар асосида яратилган наноматериаллар юқори механик мустаҳкамлик, юксак қимёвий барқарорлик ва махсус функционал хоссаларга эга бўлиб, бу уларни қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёт ва энергия соҳаларида кенг қўллаш имконини беради.

— Соҳада сўнгги йилларда эътиборга молик қандай илмий ютуқлар кузатилди?

— Қуёш энергиясидан самарали фойдаланиш йўналишида Полимерлар қимёси ва физикаси институтида республикада биринчилардан бўлиб перовскитлар асосида III авлод қуёш батареяларини шакллантиришнинг фундаментал асослари ишлаб чиқилди. Ушбу технологиялар нафақат қуёшдан энергияни самарали олиш имконини беради, балки уларнинг ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, энергия тежамкорлиги ва экологик хавфсизлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қуёш батареялари муқобилларига нисбатан юқори самарадорлиги, энгиллиги ва қўлланишда қулайлиги билан ажралиб туради.

Иқтисодийимизнинг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланган қишлоқ ҳўжалигида ҳам фундамен-тал ва амалий тадқиқотлар фаол олиб борилмоқда. Жумладан, маҳаллий хомашёлардан фойдаланган ҳолда қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғларини капсуллаш учун полимер таркибли "Узхитан" препаратини ишлаб чиқариш усули ва технологияси яратилди. Ушбу препарат институтнинг тажриба-синов базасида йўлга қўйилиб, маҳаллий қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини оширишда самарали восита сифатида қўлланилмоқда. Препарат қишлоқ ҳўжалиги, хусусан, пахта чигити ва донли экинлари уруғига қўллаш орқали уларнинг касалликларга қарши барқарорлигини ошириб, ҳосилдорлигини сезиларли даражада кўпайтириш имконини беради. У турли иқлим шароитида синовдан ўтказилган ва юқори самарадорлик кўрсаткичи билан тасдиқланган. Сўнгги 5 йилда ушбу препарат ёрдамида 7567 тонна чигит капсулланди. Капсулаланган уруғлар 247 минг 94 гектар майдонда экилиб, ҳосилдорлик сезиларли даражада ошишига эришилди. Препарат нафақат ҳосилдорликни ошириш, балки уруғларнинг сақлиниш мuddатини узайтириш ва касалликларга

чидамлигини таъминлашда ҳам муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги ва боғдорчилик соҳасида учрайдиган касалликларнинг олдини олиш ва даволаш мақсадида полимер таркибли "Купрумхит" ва "Наноаскархит" препаратлари ишлаб чиқилди. Бу препаратлар замонавий полимер технологиялар асосида яратилган бўлиб, қишлоқ ҳўжалиги экинлари ва боғларда учрайдиган касалликларнинг олдини олишда қўл келади.

Кимё саноати йўналишида полиэтилен асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг қуёш нурлари таъсирига мустаҳкамлик ва самарадорлигини ошириш учун полиэтилен-қўйи молекуляр полиэтилен-қурум асосида композиция яратилди. Бу инновацион композиция Шўртан-газ кимё мажмуиси хузуридаги "Қаришплас" корхонасида муваффақиятли жорий этилди ва маҳсулот сифатини сезиларли даражада яхшилаш имконини беради.

Фармацевтика ва тиббиёт йўналишларида амалий натижаларга эришилмоқда. Тадқиқотлар натижасида яратилган полимер препаратлар тиббиёт соҳасида инновацион технологиялар жорий қилишда муҳим аҳамиятга эга. Улар нафақат тиббиёт



муассасаларида касалликларни даволаш ёки олдини олишда самарали восита ҳисобланади, балки маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва импорт маҳсулотларига эътиборни камайтиришга ҳам хизмат қилади. Жумладан, ўткир респиратор вирусли касалликлар ва гриппни даволашда қўлланиладиган полимер таркибли "ЦелАгрип" ни олиш технологияси яратилган. Бу дори нафақат касалликларнинг олдини олишда, балки эпидемия шароитида тарқалишини чеклашда ҳам самаралидир.

Шунингдек, кўзда учрайдиган вирусли касалликларни даволашга мўлжалланган полимер таркибли "Глазавир" препарати вируслар таъсирига қарши самарали чора бўлиб, тиббиёт муассасаларида кенг қўлланилиши мумкин.

Бундан ташқари, жарроҳлик амалиётида полимер таркибли "Гепроцел" препарати қон кетишини самарали назорат қилиш имконини беради. Тиббиёт соҳасида чет эл олимлари билан ҳамкорликда табиий полимер ҳосилалари ва кумуш нанозаррачалари асосида гидрогеллар яратилди. Бу гидрогеллар яллиғланган яраларни юқори самарали даволаш имконини беради ва тиббиёт муассасаларида инновацион даволаш воситаси сифатида қўлланилиши мумкин. Гидрогеллар полимер материалларнинг тиббий соҳадаги қўлланишини кенгайтириб, мамлакат тиббиётида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта ҳисса қўшади.

Полимерлар қимёси ва физикаси институтида импорт орқали кириб келаётган ва таркибида хлор бўлган, ёқимсиз ҳидли ҳамда нисбатан токсик дезинфекция воситаларини алмаштиришга қаратилган инновацион ишланмалар қилинмоқда. Республикада биринчи маротаба нанотехнологиялар

асосида яратилган полимер таркибли "Полиардес" маҳаллий дезинфекция воситаси шулар сирасидан. У маҳаллий хомашёлардан тайёрланган, рангсиз, ҳидсиз, хлор тутмадан ва токсик эмаслиги билан ажралиб туради. "Полиардес"нинг энг катта афзаллиги шундаки, у нафақат хлорли дезинфекция воситалари ўрнини боса олади, балки инсон ва атроф-муҳит учун зарарсиз бўлиб, истеъмолчилар саломатлигини муҳофаза қилади. Илмий ва амалий тадқиқотлар натижасида яратилган ушбу инновацион полимер маҳсулот саноат корхоналари, тиббиёт муассасалари ҳамда таълим муассасаларида қўлланилиши мумкин.

— Бугунги кунда полимер чиқиндилар глобал муаммага айланган. Хусусан, полиэтилен плёнкарлар ва бошқа синтетик полимерлар қўпичча парчаланмай, атроф-муҳитга зарар келтирмоқда. Бунга қарши чоралар қилиялтимиз?

— Полимер чиқиндиларни қайта ишлаш ва биологик парчаланиш хусусиятига эга маҳсулотлар яратиш аҳамияти ортиб бораётгани сир эмас. Биологик парчаланиш хусусиятига эга полиэтилен плёнкарлар ишлаб чиқиш учун махсус "Биопарчаланувчи компаунд" қўшимчаси тайёрлаш технологияси яратилиб, амалиётга жорий қилинди. Бу технология орқали тайёрланган компаунд биопарчаланувчи полиэтилен плёнкарлар ишлаб чиқаришда қўлланилади ва натижада экологик тоза, биопарчаланувчи полиэтилен қадоқловчи маҳсулотлари олиш имконини беради. Бу турдаги плёнкарларни озик-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотларни қадоқловчи кенг қўллаш мумкин, шу билан бирга, улар атроф-муҳитга тушадиган зарарни камайтиради.

Мақзур тадқиқотлар экологик жиҳатдан тоза ва самарали технологиялар яратиш, маҳаллий хомашёдан юқори қийматли маҳсулот олиш ҳамда полимер саноатини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Биопарчаланувчи полиэтилен плёнкарлар, қишлоқ ҳўжалиги ва тибий полимер препаратлар республикада инновацион тадқиқотларнинг амалиётга жорий қилиниши ва иқтисодий самарадорлигини намоян қилади.

— Технологиялар жадаллашуви даврида халқро ҳамкорлик ва экспорт имкониятлари хусусида тўхталсангиз.

— Ўзбекистонда илм-фанга берилаётган катта эътибор натижасида илмий-тадқиқот муассасаларида, жумладан, Фанлар академияси тизимидаги илмий тадқиқот институтларида моддий-техник базанинг ривожланиши, яъни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлишни турли соҳаларда катта ютуқларга сабаб бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, чет эллик олимларни Ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда илмий тадқиқотлар қилишга қизиқтирмоқда. Жумладан, Хитой, Туркия, Жанубий Корея, Италия каби давлатлар билан қўшма лойиҳалар танловлари эълон қилиниши ва бу лойиҳаларнинг юқори савияда бажарилиши янги илмий ютуқларга эришиш имконини бермоқда. Бугунги кунда институтимизда Рединг университети (Буюк Британия), Вуппертал университети (Германия), Хемниц техника университети (Германия), Халқаро назарий физика маркази (Италия), Фират университети (Туркия) ва бошқа илм-фан марказларининг илмий жамоалари билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикада полимер фани ривожини нафақат илмий салоҳиятни ошириш, балки ривожланган давлатлар билан интеграцияни мустаҳкамлаш, янги технологиялар ва инновацион маҳсулотлар импортини камайтириш имконини ҳам беради. Шу орқали илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий қилиш йўли билан иқтисодийимизга муҳим ҳисса қўшиш мумкин. Янги полимер материаллар ишлаб чиқарилиши маҳаллий корхоналарни модернизациялаш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва экологик хавфсиз технологияларни қўллаш имконини беради.

"Янги Ўзбекистон" мухбири Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.



Инсон қадри учун

Ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти унинг болаларга муносабати билан ўлчанади. Зеро, бола тарбияси бугунги куннинг энг муҳим масъулиятидир. Айниқса, зўравонликдан жабрланган ёки шундай хавф остида бўлган ҳамда ижтимоий жиҳатдан оғир аҳволда яшаб келаётган болаларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш масаласи давлат ва жамият олдида турган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

ЎЗ ВАҚТИДА КЎРСАТИЛГАН ЭЪТИБОР

МУРФАК ҚАЛБЛАР ТАҚДИРИНИ БУТУНЛАЙ ЎЗГАРТИРИШИ МУМКИН

Ҳимояга муҳтож бундай болалар тақдирини ўз вақтида кўрсатишга эътибор орқали бутунлай ўзгариши мумкин. Шу бонс, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳамда уларнинг оилалари учун комплекс, манзилли ва тизимли ижтимоий хизматларни ташкил қилиш бугунги кунда нафақат ижтимоий сўбатнинг устувор йўналиши, балки стратегик заруратга айланмоқда.

Муаммога фақат оқибатлар нуқтан назаридан эмас, балки хавф омилларини барвақт аниқлаш, уларни чуқур таҳлил қилиш ва самарали профилактика механизмларини тизимли равишда қучайтириш орқали ёндашиш бугунги куннинг муқаррар талабидир.

Ана шу эзу мақсад йўлида мамлакатимизда болалар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган, 2030 йилгача мўлжалланган Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш стратегияси қабул қилинди.

Ҳужжат билан зўравонликдан жабрланган, хавф остида бўлган ҳамда ижтимоий жиҳатдан оғир аҳволда келган болаларни эрта аниқлаш, уларга комплекс ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий қўмак кўрсатиш, шунингдек, профилактика тизимини институционал даражада тақомиллаштириш устувор вазифалар сифатида белги-ланди. Ҳўз навбатида, уларнинг рўёби болалар манфаатларини устувор қадрият сифатида қарор топтиришга хизмат қилиши билан аҳами-ятлидир.

Мақзур устувор вазифаларни ҳаётга таъбиқ этиш мақсадида ҳуқуқнинг тегишли қарори қабул қилиниб, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва уларнинг оилалари учун янги турдаги ижтимоий хизматларни ташкил этишнинг ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий механизмлари аниқ ва манзилли белгиланди.

Зўравонликдан жабрланган, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган ҳамда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда яшаб келаётган болалар ва уларнинг оилалари-ни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсади-да ижтимоий хизматлар тизими янги босқич-га олиб чиқилмоқда. Эндиликда ёрдам фақат муаммо юзага келганидан кейин эмас, балки боланинг эҳтиёжи ва хавф даражасидан келиб чиққан ҳолда тизимли ва манзилли шаклда ташкил этилади.

Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар учун олти ойгача бўлган мuddат-га қисқа мuddатли ижтимоий хизматлар жорий этилиб, аввало, боланинг хавфсизлигини таъминлаш, руҳий ҳолатини барқарорлаштириш ва оилавий муҳитни тевзор тарзда соғлом-лаштиришга қаратилган гамхўр механизмлар яна туширилади.

Бундан ташқари, бир йил-гача бўлган мuddатга узок мuddатли ижтимоий хизмат-лар мажмуи орқали боланинг



Фарид НАЗАРОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бўлим бошлиғи

Ана шунинг мантиқий давоми сифатида профессионал тутишган оилага қойлаштирилган болаларнинг оилаларига "Меҳрли оила" хизмати "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари томонидан йўлга қўйилди. Мақзур ижтимоий хизматнинг асосий мақсади вояга етмаган боланинг психосоциал ҳолати ва ҳулқ-атвор хусусиятларини чуқур инобатга олган ҳолда унинг ота-онаси (ёки ўрнини босувчи шахслар) билан бузилган муносабатларини тиклаш, ўзаро ишонч ва мулоқотни мустаҳкам-лаш ҳамда тўлақонли ижтимоийлашувига қў-маклашуви "оилавий терапия" хизматларини кўрсатишдан иборат.

Бу ёндашув болани нафақат қойлаштириш, балки уни меҳр ва масъулиятга асосланган барқарор оила муҳитида қўллаб-қувватлаш-га қаратилган комплекс гамхўрлик тизимини шакллантиради.

Мақзур гоё ва ташаббусларни қойларда ҳаётга самарали таъбиқ этиш мақсадида Болалар-ни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази ҳамда унинг Самарқанд, Фарғона, Хо-разм ва Бухоро вилоятларида минтақавий бўлимлари ташкил этилди.

Авалло, марказ зўравонлик-дан жабрланган, хавф остида бўлган ва ижтимоий жиҳат-дан оғир аҳволда болаларни жамиятга тўлақонли инте-грация қилиш муаммоларини ўрганади, таҳлил қилади ва уларни ҳал этиш бўйича аниқ тактифлар ишлаб чиқади.



барқарор ривожланиши, сифатли таълим олиши ва жамиятга тўлақонли мослашуви учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

Зарур ҳолларда эса туну кун кўрсатилади-ган ижтимоий хизматлар ташкил этилиб, бола хавфсиз, меҳрға тўла муҳитда яшashi ва тикла-ниш жараёнини босқичма-босқич тўлиқ ўташи таъминланади.

Айни пайтда ижтимоий хизматларни кўр-сағиш фақат давлат муассасалари доираси билан чекланиб қолмасдан, тадбиркорлик субъект-ларини ҳам жалб этиш механизми жорий этилмоқда. Хусусан, мақзур хизматлар ваучер асосида ташкил этилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож бола учун давлат томонидан ажрати-ладиган маблағ тўғрисида тўғри хизмат кўрса-туви субъектга йўналтирилади. Бу тартиб, бир томондан, шаффофлик ва самарадорликни таъминлаш, иккинчи томондан, бола ва унинг оиласига хизмат кўрсатувчинини танлаш имко-ниятини бериб, сифатли ва манзилли ёрдамни таъминлашга хизмат қилади.

Энг муҳими, бундай инклюзив ёндашув ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳар бир бола учун кенг қамровли, манзилли ва меҳр-шафқатга асосланган ёрдамни таъминлаб, уларнинг ҳаёт-ига янги умид ва барқарор келажак бахш эта-ди. Зеро, боланинг ҳақиқий ҳимояси фақат уни хавфдан асраш билан чекланмайди, бола учун барқарор ва соғлом оила муҳитини яратиш орқали мустаҳкамланади.

Шунингдек, болаларнинг психосоциал ҳолатини барқарорлаштириш, ҳулқ-атворини тўғри йўналтириш ҳамда профессионал тутишган ота-оналарни психологик-педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий ва психологик хизматларни ташкил этиди. "Меҳрли оила" хизматини йўлга қўйиш, ушбу йўналишда мутахассислар тайёрлаш ва фаолиятини муво-фиқлаштириш ҳам марказ зиммасига юкланади.

Бундан ташқари, давлат ва нодавлат таш-килотларга методик ёрдам кўрсатиш, болалар ва уларнинг оилаларига хизмат кўрсатиш жа-раёнида, жумладан, процессуал ҳаракатларда ҳамроҳлик қилиш масалаларида амалий қўмак бериш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш ва уларни жамиятга тўлақонли интеграция қи-лиш борасидаги ислоҳотлар нисбатан инсон қадри-ни таъминлаш, иккинчи томондан, бола ва унинг оиласига хизмат кўрсатувчинини танлаш имко-ниятини бериб, сифатли ва манзилли ёрдамни таъминлашга хизмат қилади.

Энг муҳими, бундай инклюзив ёндашув ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳар бир бола учун кенг қамровли, манзилли ва меҳр-шафқатга асосланган ёрдамни таъминлаб, уларнинг ҳаёт-ига янги умид ва барқарор келажак бахш эта-ди. Зеро, боланинг ҳақиқий ҳимояси фақат уни хавфдан асраш билан чекланмайди, бола учун барқарор ва соғлом оила муҳитини яратиш орқали мустаҳкамланади.



Шарх

Жамият тараққийтини белгиловчи омиллар хар доим ҳам кўзга ташланиб турадиган, очик-ойдин шаклларда намоён бўлавермайди. Айрим ўзгаришлар йиллар давомида секинлик билан содир бўлади, ички муҳитда етилиб боради. Самараси эса шунга монанд — худди олис чўққиларга киш бўйи ёққан қор фурсати етгач эриб, боғу далаларга оби раҳмат бўлиб ариқларни тўлдирганидек, узоқ вақт элу халқ камолига хизмат қилади. Китобхонлик масаласи ҳам шундай жараёнлар сирасига кириди.



Китобхонлик маданияти

ЁХУД КИТОБНИ МАДАНИЙ АТРИБУТ ЭМАС, БАЛКИ ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ СИФАТИДА АНГЛАШ ЗАРУРАТИ



Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Тарихий тадрижа кўрсатадики, хар қандай юксалиш даври билимга муносабат билан бевоисита боғлиқ бўлган. Илмга, мутлоага, фикр алмашувига эътибор сусайган жамиятларда тараққийёт узлуксиз давом этмаган. Ўқиш маданияти шаклланиб келган эса фикр масъулияти, шахсий жавабгарлик ва умумий манфаат тушуначалари мустаҳкам ўрин олган. Шу сабабли китобхонлик жамиятнинг умумий ҳолати билан ҳамбарнас боғлиқ масаладир. Бугун иқтисодий ўсиш, инфратузилма янгиланиши, бошқарув тизимлари тақомиллашуви билан бир қаторда фикр сифати масаласи кун тартибига чиққатганининг боиси ҳам шу. Жамиятнинг эртанги кунни фақат моддий кўрсаткичлар билан ўлчанмаслигини тобора теранроқ англаб етар эканмиш, бу ҳолат, ўз навбатида, билимга, мутлоага, маънавий муҳитга инсондан ёндашуви қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 15 январьдаги "Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида китоб ўқишга қизиқишни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор айнан шу эҳтиёж билан боғлиқ ҳолда қабул қилинган муҳим ҳужжатдир. Қарорда китобхонлик алоҳида кампания ёки қисқа муддатли ташаббус сифатида талқин этилмай, аксинча, мутлоага жамият ҳаётининг турли бўғинларига бевоисита алоқадор стратегик вази-фа ўлароқ қаралаётганини кузатиш мумкин. Бу ёндашув китобни маданий атрибут эмас, балки ижтимоий тараққийёт омили сифатида англашга асосланган. Яъни китобхонликка доир вази-фалар маъмурий талаб шаклида қўйилмаган. Асосий эътибор шариёт яратилиши, имкониятларни кенгайтирилиши ва рағбатлантирилиши механизми билан рағбатлантиришга қаратилган. Шу нуқтани назардан, китобхонлик масаласини миллий хавфсизлик, интеллектуал барқарорлик ва ижтимоий масъулият тушуначалари билан боғлиқ ҳолда тушунар эканмиш, айни вақтда қарор ортида турган фикрларни англаш ҳамда уларнинг жамият ривожига таъсир доирасини ўрганиш, атрофига таҳлилга тортиш, муносабат билдириш эҳтиёжи пайдо бўлиши табиий.

Молиявий ва институционал ечимлар

Жамиятда муайян оdatларнинг кенг тарқалиши уларнинг шахсий танлов доирасидан чиқиб, умумий қабул қилинган меъёр даражасига кўтарилишидан далolat беради. Бундай жараён оdatда узоқ муддатли ижтимоий муносабатлар орқали шаклланади. Китобхонлик масаласи ҳам айнан шу йўсинда баҳоланиши лозим. Хусусан, қарога мувофиқ, "Китоб — маърифат манбаи" лойиҳаси доирасида аҳоли ўртасида китобхонликни тарбию қилиш ва йилга ўртача 10 та китоб ўқиш мақсади жорий этилиши кўзда тутилмоқда. Ушбу кўрсаткич орқали жамиятга аниқ йўналиш берилди, бундай ёндашув эса мутлоани алоҳида ташаббус даражасидан кундалик ҳаёт таркибига олиб киришга хизмат қилади.

Психологларнинг таъкидлашича, ижтимоий меъёр даражасига етган хар қандай оdat ташқи назоратга муҳтож бўлмайди. Шу маънода,

ўқиш маданияти кенг ёйилган муҳитда инсоннинг мутлоа билан шуғулланиши алоҳида эътироф талаб қилмайди. Аксинча, ундан четда қолиш савол туғдириши мумкин. Муайян муддатда ўқишни белгиланган китоблар сонига вақт тушуначасини қайта тартиблайди. Ўқиш жараёни бўш пайтга қолдирилган машғулот эмас, режалаштириладиган фаолият сифатида идрок этилиши инсоннинг шахсий ривожланишига бўлган муносабатини ўзгариради. Қисқаси, мутлоа билан вақтни мазмунан тўлдирши одатини шакллантириш орқали ўқиш жараёни узлуксиз ва барқарор тус олади.

Шу билан бирга, хар қандай ижтимоий ташаббус сингари китобхонлик масаласига доир молиявий ва институционал ечимларнинг алоҳида белгиланиши муҳим аҳамият касб этади. Негаки мақсад аниқ ифодаланган тақдирда ҳам молиявий ва ташкилий асослар етарли даражада мустаҳкам бўлмаса, натижа кутилган даражада етиши амримаҳол. Демак, Китобхонлик маданиятини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилишидан кўзланган мақсадни тушуниш қийин эмас. Жамғарма китоб билан боғлиқ жараёнларни марказлашган ҳолда қўллаб-қувватлаш имконини яратади. Нашр, таржима, муаллифлик ҳуқуқи, тарбию каби йўналишлар ағона молиявий механизм орқали мувофиқлаштирилади.

Авалги даврларда китоб нашри ва таржима масалалари кўпинча алоҳида ташаббуслар доирасида ҳал этилиб келинган. Бундай ёндашув узоқ муддатли режалаштириш имконини келдириши аён. Жамғарма фаолияти эса бу жараёни тизимли йўлга қўяди. Молиявий ресурсларнинг мақсадли йўналтирилиши натижасида нашрлар сифати, таржималарнинг пухталиги ва муаллифлик ҳуқуқига муносабат-да барқарорлик юзага келади. Таржима, нашр-га тайёрлаш ва чоп этиш харажатлари учун ажратиладиган маблағ микдори оширилиши алоҳида мавзу. Бу орқали жаҳон тажрибаси, илмий ва бадиий мерос билан танишиш имкониятлари кенгайди. Шу билан бирга, миллий адабиётнинг ички ривожини учун зарур шариёт яратилади.

Молиявий механизмларнинг аниқлиги соҳада масъулиятни оширади. Маблағ ажратилиши билан бирга натижа учун жавабгарлик масаласи ҳам кун тартибига чиққати. Қайси лойиҳа-лар устувор ҳисобланиши, қайси йўналишлар жамият эҳтиёжларига меъ келиши очик муҳо-кама этилиши бу борда муҳим. Шунингдек, жамғарма орқали таржима ва нашр харажат-ларининг муайян қисмини қоплаш механизми ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Бу, ўз навбатида, соҳага хусусий ташаббусларни жалб этиш им-конини кенгайтиради. Нашриётлар, таржимон-лар, муаллифлар учун хавф даражаси камаяди. Шу тариқа молиявий ва институционал асо-слар китобхонлик сиеъсатининг таянч нуқтасига айланади. Бу асослар ташаббусларнинг узлук-сизлигини, режаларнинг ижтимоийлигини, натижа-ларнинг барқарорлигини таъминлайди.

"Жадидлар изидан"

Еш авлод қандай билим эгаллайди, ўз ҳаёт концепциясини танлашда қайси манбаларга таянади, нималардан улги олади, фикрни қай тарзда шакллантиради, баён қилади — ана шу омиллар жамият эртанги кунининг сифатини белгилайди. Шу сабабли китобхонлик масаласида ёшлар билан ишлаш алоҳида йўналиш сифатида кўрилиши табиий ҳол. Еш авлод билан боғлиқ сиеъсатда асосий масала билимга, китобхонликка муносабатни шакллантиришдир. Ўқиш мажбурий сифатида қабул қилинган муҳитда мутлоа хўжақўрсиндан нарига ўтмайди, у эҳтиёжга айланганда эса тафаккур табиий равишда ривожланади. Қарорда ёшлар учун белгиланган ташаббуслар айнан шу фарқини ҳис-собига олган ҳолда ишлаб чиқилган. Чунончи, мактаб ёшида мутлоа одатини шакллантириш масаласига тўхталсак. Айнан шу даврда инсон-нинг дунёни идрок этиши усули, савол бериш қобилияти, ўз фикрига муносабат таркиб топади. Китоб билан эрта танишган еш воқе-ликни тайёр схемалар эмас, мулоҳаза орқали



англашга мойил бўлади. Бу жараён шахсий интизомни, эътиборни жамлаш, фикрни изчил баён этиш кўникмаларини мустаҳкамлайди.

"Жадидлар изидан" номи билан йўлга қўйил-лан китобхонлик клуби лойиҳаси мазмунан тарихий хотирага суянади. Жадидлар фаоли-яти, аввало, еш авлодини ўқишга, англашга, дунё билан фикр орқали мулоқот қилишга қорлаган. Уларнинг асосий гоёси тайёр ҳақиқатларни тақрирлаш эмас, бийлакс, савол қўйиш ма-даниятини шакллантиришдан иборат бўлган. Бу-гунги шариётда бу ёндашув замонавий эҳтиёж-ларга мос ҳолда қайта талқин қилинапти.

Мазкур клуб доирасида ёшлар учун мутлоа-а индивидуал машғулотдан жамоавий тажрибага айлантирилади. Ўқилган асарлар юзасидан фикр алмашини, баҳо қилини, мулоҳаза бил-дириш ёшларни тайёр хулосани қабул қилиш ў-рнига ўз қарашини шакллантиришга йўналти-ради. Фикрлар асослаш, далил келтириш, бошқа-ча қарашларга муносабат билдириш маданияти аста-секин қарор топади.

Китобхонлик клуби ёшларнинг йилга ка-мида 20 та китоб ўқишини таъминлашни на-зарда тутмоқда. Мазкур ташаббус мутлоани вақт билан боғлаш, ўқишни режалаштирилган фаолиятга айлантиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, ёшлар ўртасида китобхонликни рағбатлантириш масаласи устувор. Негаки ра-ғбат меҳнат ва натижа ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади. Ўқиш орқали эришилган билим ва тафаккур жамият томонидан эътироф эти-лиши ёшлар онгига ижобий муносабат уйғотиб, мутлоани ижтимоий нуфуз омилига айлан-тириди.

Мутлоа орқали шаклланаётган фикрлаш маданияти ёшларнинг ҳаётий танловларига ҳам таъсир кўрсатади. Ўқилган, солиштирилган, хулоса чиқарган еш воқеаликка бир ёқлама ён-дамшайди. У сабаб ва оқибатни ажратишга оdatланади. Шахсий масъулият, ижтимоий по-зиция, онгли қарор қабул қилиш каби сифатлар айнан шу жараёнда ўз самарасини намоён эта-ди.

Муаллиф ва ижод масъулияти: адабий меҳнат баҳоси

Хар бир даврнинг ўз савол-сўроқлари бў-лади, бу саволларга жавоб топиш жараёни эса му-айян фикр эгалари орқали кечади. Ана шу жа-раёнда муаллиф шунчаки маън яратувчи шахс эмас, балки жамият онгига таъсир кўрсатувчи масъул субъект сифатида майдонга чиққати. Шу соба, адабий ижодга муносабат жамиятнинг қай бир маънода ўз фикрига бўлган муноса-бат билан ҳамдир. Шунга қарамай, узоқ вақт да-вомида ижодкор фаолиятига кўпроқ ички эҳтиёж маъсули сифатида қаралиб келинди. Бундай ёндашув эса адабиётнинг ижтимоий вази-фасини тан олмаслик, уни айлиноб ўтишга беҳуда

уринишдан бошқа нарса эмас. Ижодкорлар ас-лида жамият ҳаётига муҳим роль ўйнаса-да, улар-нинг меҳнати кўпинча тизимли қўллаб-қувват-лашдан четда қолиб келганини ҳам ҳеч бир ва-ж билан оқлаб бўлмайди, назаримизда.

Ўзбекистон Президенти қарориди муал-лифларни аниқлаш ва уларнинг ижодий фао-лиятини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласининг кун тартибига чиқиши ушбу муаммо ўз вақтида англашиб, унга самарали ечим тақдим этилаётганидан дарак. Афсуски, ижодкорни моддий жиҳатдан қўллаб-қувват-лаш масаласи кўпинча нотўғри талқин қилина-ди. Моҳитанган гап фақат рағбат ҳақида кетает-гани йўқ, Асосий масала ижод учун зарур бўл-ган шариёт яратилиши иборат.

Қарорда назарда тутилган "Истеъодли муаллифлар" лойиҳаси доирасида еш ёзуви-чи ва таржимонларни рағбатлантириш механизми орқали танлов асосида аниқланган муал-лифларга бир йилгача ҳақ тўланиши ижодий меҳнати режалаштирилган фаолиятга айлан-тиради. Муаллиф ўз вақтини изчил равишда ижодга бағишлаш имконига эга бўлади. Бу ҳол-да пухта ишланган асарлар яратилиши учун шариёт ҳозирлайди. Айни пайтда ижод эркин-лиги билан ижтимоий масъулият ўртасида му-возанат қарор топади.

Мазкур ёндашув адабий муҳитда танлов ме-золиларини ҳам аниқлаштиради. Ижодкорнинг фикр кенглиги, мавзуга ёндашуви, жамият ҳаётига муносабати эътибор марказига чиқ-қати. Бу эса адабиётнинг ички сифатига ижо-бий таъсир кўрсатиши турган гап. Муаллифга яратилаётган шариётлар адабиётнинг жамият билан алоқасини мустаҳкамлайди. Ижодкор фикр билдириш, баҳса киришиш, масъул са-воллар қўйиш имконига эга бўлади. Шу орқали адабиёт жамият ҳаётининг фаол иштирокчи-сига айланади. Шу жиҳатдан ҳам муаллифлар-ни аниқлаш ва уларнинг ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббуслар китобхонлик сиеъсатининг муҳим бўғинидир. Бу бўғин адабий сўзининг ижтимоий вази-нини оширади, фикрнинг жамият ҳаётидаги ўрни-ни мустаҳкамлайди.

Миллий адабиёт фақат ички имконият ва ресурслар билан чекланиб етарлича равнақ топа билмаслигини ҳам унутмаслик лозим. Унинг табиий эҳтиёжи ташқи макон билан мулоқот қилиш, бошқа тажрибалар билан зо-лаштириш, ўз овзини кенгроқ майдонда эши-тиришдан иборат. Айни ҳолда таржима масаласи алоҳида аҳамият касб этади, аниқроғи, у фикр-лар алмашинуви, маданий тажрибалар учрашу-ви, интеллектуал уфқларнинг кенгайиши жара-ёндир. Қарор билан энг сара жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига, миллий адабиёт намуналарини хорижий тилларга таржима қилиш масаласининг алоҳида белгиланиши ана шу эҳтиёж билан боғлиқ. Айни мақсадда 2026-2030 йиллар мобайнида "Жаҳон адабиёти ўзбек тилида" лойиҳаси доирасида хорижий

адабиётларни таржима қилиш харажатларин-инг 80 фоизгача қисми қоплаб берилиб, хар бир лойиҳа учун БҲМнинг 600 бараварига-ча, шунингдек, "Миллий оқибат таржимаси ва нашри" лойиҳаси учун жорий йилдан бошлаб хар йили БҲМнинг 60 минг бараваригача ма-блағ ажратилиши белгиланган.

Хорижий адабиётларни ўзбек тилига тар-жимаси қилиш орқали жамиятнинг интеллектуал доираси кенгайди. Турли даврлар, мактаблар, қарашлар билан танишиш имкони пайдо бў-лади. Миллий адабиётнинг хорижий тилларга таржима қилиниши эса бутунлай бошқа масъ-улиятни юклайди. Таржима орқали миллий рух, тарихий хотира, маданий қарашлар ташқи ўқувчига етказилади. Шу сабабли қайси асар-лар танланаётгани, қандай талқин берилаётгани алоҳида эътибор талаб қилади.

Қарорда таржима ва нашр харажатларининг муайян қисмини қоплаш механизми белги-ланиши ушбу жараёнга тизимли ёндашув ма-вжудлигини кўрсатади. Таржима соҳаси кўп ҳолларда катта меҳнат талаб қиладиган, молия-вий жиҳатдан мураккаб йўналиш ҳисобланади. Давлат томонидан яратилаётган шариёт ушбу йўналишда сифатли иш олиб бориш имконини кенгайтиради. Таржимон, муҳаррир, нашри-ёт фаолияти ўзаро уйғунлашади. Халқро майдонда эса билвосита мамлакат ва ижод-кор мансуб миллат имижини илгари суриди, яъни ўқувчи бирор асар орқали жамиятнинг қадриятлари, муаммолари, оруз-ингилишлари ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Шу нуқтда адабиёт юмшоқ таъсир воситаси — "юмшоқ куч" вази-фасини бажаради. У бевоисита тарги-бат билан шуғулланмаса-да, ўқувчини фикр ортидан эргаштириши мумкин.

Мутлоанинг ижтимоий макони

Китобхонлик том маънода маданият да-ражасига етиши учун биринчи гада қулай муҳит, доимий мавжудлик ва кундалик ҳаёт билан уйғунлашган макон зарур. Шу боис, китобхонлик сиеъсатида инфратузилма маса-ласи нақадар муҳим экани хусусида юқорида ҳам сўз юритдик. Бу борда кутубхоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, худуд-лар кесимида янгиларини бунёд этиш долзарб вази-фалардан. Жумладан, "330 та маҳалла ку-тубхонаси" лойиҳаси асосида маҳалла кутубхо-налари замонавий форматга ўтказилиб, хар бир кутубхона учун БҲМнинг 180 бараваригача маблағ ажратилиши назарда тутилган ташаб-бус илгари сурилмоқда. Зеро, маҳалла жамият-нинг энг қуйи ва энг тирик бўғини ҳисобланар, кундалик ҳаёт, мулоқот, тарбия ва муносаба-тлар ана шу маконда шаклланар экан, китоб ва китобхонликнинг айнан шу муҳитга кириб бо-риши мутлоа географияси ва қаровини ҳам кенгайтириши шубҳасиз.

Инфратузилма масаласида яна бир муҳим йўналиш — рақамли имкониятлар. "Мутлоа" лойиҳаси орқали жамоат транспорти ва инфра-тузилма объектларида электрон ва аудиокитоб-лардан фойдаланиш имконияти яратилиши ўқиш жараёнини макон ва вақт билан боғлиқ чекловлардан халос қилади. Бу, айниқса, ёшлар ва иш билан банд қатлам учун қулайлик ярата-ди.

Жамиятда муайян фаолият кўпинча унга бе-рилган баҳо ҳамда рағбатлантирувчи омиллар орқали барқарорлашади. Биз сўз юритаётган масалада ҳам айнан шу қонуният амал қи-лади. Қарор билан "Top 100 китобхон" лойиҳаси доирасида ўқувчи ва талабалар орасида энг кўп китоб ўқиганлар тақдирланиши, китобхонлик рейтингини шакллантириш борасидаги ташаб-бус ана шу эҳтиёждан келиб чиқди дейиш мум-кин.


Рейтинг механизми орқали китобхонлик ижтимоий рақобат майдонига кириди. Бу рақоб-бат моддий манфаат учун эмас, балки интел-лектуал фаолиқини оширишни кўзда туттади. Инсонлар ўз устида ишлашга, кўпроқ ўқишга, фикр доирасини кенгайтиришга ингилади. Шу тарзда мутлоа шахсий ривожланиши билан бирга ижтимоий нуфуз омилига айланади. "Top 100 китобхон" дастури доирасида белгиланган рағбат механизми айни мақсадга хизмат қи-лади. Хусусан, интеллектуал рақобат муҳити шаклланиши жамиятда фикрлар хилма-хилли-гини кучайтиради, фикр алмашини маданиятни ни мустаҳкамлайди.

Шу ўринда қарорнинг жамият олдида масъул шахс сифатида муайян маънода фикр ташувчи субъект ҳисобланиши давлат хизмат-чиларининг фикрлаш даражаси, дунёқароши ва қарор қабул қилиш маданиятига дахлдор жиҳатларига тўхталishi жоиз. Зеро, уларнинг интеллектуал тайёрларлиги давлат бошқару-вининг ички сифати билан бевоисита боғлиқ, Вазирилк ва идораларда касбий фаолиятга онд адабиётлар рўйхатини шакллантириш ташаб-буси давлат хизматида билим билан ишлашга бўлган муносабатини ўзгариштиришга қаратилган. Бу ёндашув ҳодимдан фақат амалдаги тар-тиб-қоидаларни билишинигина эмас, ўз соҳа-сининг мазмунини чуқур англашни ҳам талаб этади. Касбий адабиётлар орқали давлат хиз-матчиси ўз фаолиятини кенгроқ контекстда кўра бошлайди. Қарорлар тор доирадаги кўр-сатмалар билан чекланиб қолмай, умумий жа-раёнлар билан боғланади.

Идораларда "Китоб бурчаги" ташкил эти-лиши эса давлат хизматчисининг кундалик иш муҳити билан мутлоа ўртасида бевоисита боғланиш ҳосил қилади. Ходим керакли маъ-лумотни излаш, ўрганиш, солиштириш орқали иш юритишга кўникади. Хар ойда йўлга қўйиладиган "Китоб ўқиш соати" хусусида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Бундан ташқари, давлат идораларида энг кўп китоб ўқиган ҳодимни моддий жиҳатдан рағбатлан-тириш ташаббуси ўқишга берилаётган эъти-бор даражасини аниқ кўрсатади. У билим ва меҳнат ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи восита вази-фасини бажаради. Ўқиш орқали ўз устида ишланган ҳодимнинг меҳнати эъти-ро этилади.

Мутлоа маданияти давлат хизматчисин-нинг ахлоқий позициясини ҳам мустаҳкам-лайди. Китоб орқали шаклланадиган фикр-лаш инсонни фақат ҳужжат билан эмас, жамият манфаатлари билан ишлашга ундай-ди. Ходим ўз фаолиятининг ижтимоий оқи-батлари ҳақида мулоҳаза юритади. Давлат хизматида билимга таянган муҳит шакл-ланганда ташқи назоратга бўлган эҳтиёж камаяди. Шу жиҳатдан қаралганда, вазирилк ва идораларда мутлоа маданиятини ривож-лантириш ташаббуслари давлат хизматининг ички сифатини оширади, маънаёт руҳ етак-бар-ҳодимлар сафини кенгайтиради.

Мазкур ҳужжатда илгари сурилган ташаб-буслар бир-бири билан узвий боғланган ҳол-да умумий мақсадга хизмат қилади. Китоб-хонликни ижтимоий меъёр сифатида қарор топтириш, молиявий ва институционал таянч яратиш, ёшлар билан тизимли ишлаш, ижод-корларни қўллаб-қувватлаш, таржима сиеъ-сатини йўлга қўйиш, инфратузилмани кенгай-тириш, рағбат ва рейтинг механизмларини жорий этиш, давлат хизматида мутлоа ма-даниятини шакллантириш — буларнинг барча-си ягона манғитқий заنجирини ҳосил қилади. Ана шу жараён орқали барқарор тараққийёт учун зарур бўлган онгли муҳит шаклланади. Бу муҳитда сўзининг қадри ортади, фикрнинг масъулияти кучади, келажак ҳақида қарор-лар аниқлик ва вазирилк билан қабул қили-нади.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛУТИН ЕЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирилк Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавабгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРХ" НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридидаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2026 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246.
30829 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Санжар Эшмуродов
Мусахҳиж: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй
Ўза якуни — 06:45 Тошхирлиди — 07:15